

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил май ойининг “22” куни жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Мирзакиров, Ф.Қосимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ўзбекистон туман прокурори О.Собиров, судланувчи Д.Холмуродов ва унинг ҳимоячиси “Ozod Sher Himoya Prof” адвокатлик бюроси адвокати Д.Холмуродовларнинг иштирокида, Холмуродов Дониёрбек Рустамовичга нисбатан 1-1504-2301/123-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Холмуродов Дониёрбек Рустамович (Holmurodov Doniyorbek Rustamovich), 1986 йил 08 ноябрда Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, Ўзбекистон тумани, Зинаша м.ф.й., Намозгоҳ кўчаси, 57-уйда яшовчи, эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 30 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2023 йил 06 апрель куни Фарғона вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-профилактик тадбирлар давомида Ўзбекистон тумани Зинаша м.ф.й. Намозгоҳ кўчасида яшовчи Д.Холмуродовнинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганда томорқасида 4 туп яшил рангли ўткир хидли наша гиёҳвандлик ўсимлигини парваришлаб келаётгани аниқланиб, холислар иштирокида текшириб кўриш учун ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 08 апрель кунги № 334-сонли хулосасига кўра, Д.Холмуродовни яшаш хонадонидан томорқасидан олинган наша ўсимлиги таркибида фаол гиёҳванд восита тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи каннабис гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Суд-наркологик экспертизасининг 2023 йил 18 апрелдаги № 148-сонли хулосасига кўра, судланувчи Д.Холмуродов каннабиноидга тобелик 2-босқичи алкаголга тобелик 2-босқичи касаллиги билан касалланганлиги, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш чорасига муҳтож эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи Д.Холмуродов суд мажлисида, содир қилган айбига тўла иқроп бўлиб, 2023 йил 06 апрель куни соат тахминан 15:30ларда яшаш



хонадонига ИИБ ходимлари келишиб, яшаш хонадони томорқасини холислар иштирокида кўздан кечиришларини, агар яшаш хонадонига ноқонуний нарсалар-буюмлар, гиёҳвандлик моддалари бўлса ўз ихтиёри билан топширишини, шунда унга нисбатан қонуний енгиллик бўлишини тушунтиришганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимларига томорқасига арпа экинлари ўртасига экиб парваришлаб келаётган 4 туп наша ўсимликларини кўрсатганлигини, ИИБ ходимлари наша ўсимликларини холислар ва агроном иштирокида кўздан кечиришиб, тагларига агротехник ишлов берилганлигини айтишганини, шундан сўнг наша ўсимликларини юлиб олиб, барглари ва шохларидан намуна олиб, конвертга солишиб, қолган қисмини ўша ерни ўзида ёқиш йўли билан йўқ қилишганини, 2023 йил март ойи охирида бу уруғларни томорқага экиб, ўзи истеъмол қилиш мақсадида парваришлаб келаётганлигини, ўзи ҳар-ҳарда наша истеъмол қилиб туришлигини, ҳозирда содир этган ҳаракатларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, суддан кечирим сўрашини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи Д.Холмуродов ўзига эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдирсада, бундан ташқари, унинг юқорида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги далил ва исботлар билан:

Гувоҳ П.Мамасиддиқов судда, 2023 йил 06 апрель куни туман ИИБ ходимлари бир ишда холис сифатида иштирок этиб беришини сўрашганини, сўнг ИИБ ходимлари билан Ўзбекистон тумани, Зинаша мфй., Намозгоҳ кўчасида яшовчи Д.Холмуродовнинг яшаш хонадонига борганларини, ИИБ ходимлари Д.Холмуродовга хонадонни кўздан кечириш тўғрисидаги қарорни кўрсатиб, холислар ва қишлоқ хўжалиги агрономи иштирокида унинг яшаш хонадонини кўздан кечиришганини, шунда унинг томорқасига экилган арпа ўсимликлари орасида 4 туп тагига ишлов берилиб, атрофлари калтакчалар билан турли ташқи таъсирлардан ҳимоя қилинган ҳолда ўсиб ётган бўйи тахминан 10-15 сантиметрлардаги наша гиёҳвандлик ўсимликларига ўхшаш ўсимликлар ўсиб турганини кўрганлигини, шундан сўнг, ИИБ ходимлари ўсимликлардан экспертиза учун намуна олиб оқ қоғоз конвертга солиб муҳрлашганини, намунадан қолган қисмини эса ёқиш йўли билан йўқ қилишганлигини, Д.Холмуродов бу гиёҳвандлик ўсимликларини ўзи истеъмол қилиш мақсадида экиб парваришлаб келаётганини маълум қилганини билдириб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг ҳулосасини, судланувчи Д.Холмуродовнинг кўрсатувларини ва унинг ҳимоячиси адвокат К.Жўраевни фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Д.Холмуродовнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг иқрор бўлиб берган кўрсатуви, гувоҳларнинг кўрсатувлари, билдирги, тушунтириш хатлари, хонадонни кўздан кечириш, ёнини кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш баённомаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фото жадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ва қвитанция, ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Холмуродовнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки, у яшаш хонадони томорқасида 4 туп наша гиёҳвандлик ўсимлигини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда парваришлаб келган.

Суд, судланувчига жазо тури ва меъерини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги № 1-сонли Қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54- моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида кўрсатиб ўтилганлигини, ЖКнинг 55,56-моддаларида кўрсатилган ишдаги жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатларини инобатга олиб, инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда;

- судланувчи Д.Холмуродовнинг шахсини, ёшини, оилавий шароитини, икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини, унинг жиноят содир қилгунга қадар хулқ-атворини, айб шаклини, содир қилинган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, содир қилиш шароити ва сабабларини, шахсини ҳисобга олган ҳолда оилавий шароитини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этганлигини, гиёҳвандлик воситасини тури ва миқдорини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этиб, ишдаги бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, хулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаб бўлади деган хулосага келиб, айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган мажбурий жамоат иши жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, суд-наркологик экспертизасининг 2023 йил 18 апрелдаги №148-сонли хулосасига кўра, судланувчи Д.Холмуродов каннабиноидга тобелик 2-босқичи алкаголга тобелик 2-босқичи касаллиги билан касалланганлиги инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойларида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволанишни белгилашни;

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Д.Холмуродов яшаш хонадони томорқасида парваришлаб келган наша ва кўкнор ўсимлигидан текшириб кўришлик учун олинган намуналарнинг барчаси экспертиза текшируви жараёнида сарфланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :



Холмуродов Дониёрбек Рустамович (Holmurodov Doniyorbek Rustamovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

Д.Холмуродовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборат 220 (икки юз йигирма) соат мажбурий жамоат иши жазоси тайинлансин.

Жазо ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин.

Жазо муддати Д.Холмуродов жазо ўташни бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Ўзбекистон туман ИИО Пробация гуруҳи инспекцияси зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Д.Холмуродов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ даврида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволатилсин.

Д.Холмуродовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Далилий ашё тариқасида олинган намуналарнинг барчаси экспертиза текшируви жараёнида сарфланганлигини инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма кун ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Ш.Мирзакиров

